



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил “ 8 ” сентябрь

№ 10

Yangibozor tumani

Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласида фаолият юритаётган “Ёғду Дон” хусусий корхонасига Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Ширинқўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласида фаолият юритаётган “Ёғду Дон” хусусий корхонаси раҳбари Отажанов Бобурнинг боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласида фаолият юритаётган “Ёғду Дон” хусусий корхонаси раҳбари Отажанов Бобурга Ширинқўнғирот қишлоғининг туман ҳокими захира ер ҳисобидаги 475- контурида жойлашган умумий ер майдони – 3,3 гектар, шундан суғориладиган экин ери – 2,6 гектар, ариқ ва зовурлар – 0,1 гектар, йўллар 0,2 гектар, қурулиш ости 0,4 гектардан иборат ер участкасида боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласида фаолият юритаётган “Ёғду Дон” хусусий корхонаси раҳбари Отажанов Бобурга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва хусусий

корхонаси рахбари Отажанов Бобур ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор туманидаги Ширинкўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласида фаолият юритаётган “Ёғду Дон” хусусий корхонаси рахбари Отажанов Бобурга ажратилаётган – 2,6 гектар экин ер майдонида Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Халметов)га фуқаро Отажанов Бобурнинг Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишида амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Отажанов Бобурга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.


7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Ў.Курбанов